

АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИГА ДОИР МАНБАЛАРДА ҲАРБ ИШИ

doi 10.34920/2181-8207/2025/1-166



Жуманиёз Сангиров,
Тарих институти,
тарихшунослик,
архившунослик ва
хужжатшунослик
маркази бошлиғи.
Тарих фанлари
бўйича фалсафа
доктори

Annatation: The article shows that the policies of the representatives of the Ashtarkhanid dynasty in the military sphere resulted in changes specific to the period in the defense of the country's borders, the order of troop mobilization, military weapons, and discipline, and their causes and consequences are explained with specific examples. The tasks of military administration, khan, council, administrative-military, and military positions during the Ashtarkhanid dynasty are presented. It is noted that the total army that could be mobilized in military situations during the Ashtarkhanid dynasty amounted to 60 thousand people. The causes, consequences, and changes in the social protection and defense potential of the army are presented and conclusions are drawn.

Key words: Baqi Muhammad Khan, Imam Quli Khan, Abdulaziz Khan, Subhon Quli Khan, Ubaidullah Khan, defense of the borders of the country, order of gathering troops, army weapons and order discipline, fatherhood, kakaltash, devonbegi kalon, qushbegi kull, parvonachi, dodhoh, leading soldier, captain of the police, price.

Аннотация: Мақолада Аштархонийлар сулоласи вакилларининг (Боқи Муҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон ва Убайдуллахон) ҳарбий соҳада юритган сиёсатлари натижасида мамалакат чегаралари мудофааси, қўшин тўплаш тартиби, қўшин қуроллари ва тартиб-интизоми масалаларида давр учун хос ўзгаришлар қилганлиги, уларнинг сабаб ва оқибатлари аниқ мисоллар билан очиб берилган. Аштархонийлар сулоласи давридаги ҳарбий бошқарув, хон, кенгаш, маъмурий-ҳарбий (оталик, кўкалтош, девонбеги калон, қушбеги кулл, парвоначи, додхоҳ каби мансабларнинг қўшимча ҳарбий вазифаларида сулола даврида содир бўлган ўзгаришлар сабаби, оқибатлари) ва ҳарбий мансабларнинг вазифалари келтирилган. Жумладан, ҳарбий мансаблар вазифаларининг бир-бирига яқинлигига қараб қўшин бошқарувига масъул мансаблар, қўшинга доир ҳуқуқий масалаларга масъул мансаблар, қўшин моддий таъминотига масъул мансаблар ва махсус бўлинмаларга бўлиб, таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада «илғорбоши аскар», «сардори сипоҳ», «баходир» каби ҳарбий унвонлар, уларни тақдим этиш ва имтиёзларидаги ўзгаришлар тилга олинган. Аштархонийлар сулоласи даврида ҳарбий вазиятларда умумий тўпланадиган қўшин 60 минг кишини ташкил этганлиги таъкидланиб, бу сон ҳар бир вилоятдан белгиланган миқдорда йиғилганлиги ҳақидаги қараш илғари сурилган. Шунингдек, мақолада сулола давридаги қўшиннинг таркибий қисми, ҳарбий тактика, қуроллар ва рамзлар (мисол учун аштархонийлар сулоласи давридаги асосий давлат байроғи тасвири манбаларда келтирилган маълумотлар асосида ишланган), қўшиннинг ижтимоий ҳимояси, мудофаа салоҳияти ва улардан содир бўлган ўзгаришлар сабаб, оқибатлари келтирилган ва хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Боқи Муҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон, Убайдуллахон, мамалакат чегаралари мудофааси, қўшин тўплаш тартиби, қўшин қуроллари ва тартиб-интизоми, оталик, кўкалтош, девонбеги калон, қушбеги кулл, парвоначи, додхоҳ, илғорбоши аскар, сардори сипоҳ, баходир.

Аннотация: В статье раскрывается, что военная политика представителей династии Аштарханидов привела к характерным для того периода изменениям в обороне границ

страны, порядке сбора войск, военном вооружении, дисциплине, на конкретных примерах объясняются их причины и последствия. Представлены функции военной администрации, хана, совета, административно-военных и военных должностей в период правления династии Аштарского ханства. Отмечается, что во времена династии Аштарханидов общая численность армии, которая могла быть мобилизована в военных ситуациях, составляла 60 000 человек. Представлены причины и последствия изменений в социальной защите и обороноспособности армии, их последствия, сделаны выводы.

Ключевые слова: Боки Мухаммадхан, Имомкулихан, Абдулазизхан, Субханкулихан, Убайдуллаххан, защита границ страны, порядок сбора войск, военное оружие и дисциплина, атак, кокалташ, деванбеги калон, кушбеги кулл, парвоначи, дадхох, предводитель воинов, капитан армии, бахадир.



Ўзбек давлатчилиги тарихида бир ярим юзйилликдан кўпроқ ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи вакиллари ҳарбий соҳанинг аҳамиятини яхши билишган. Соҳада олиб борган сиёсатлари натижасида мавжуд бўлиб келган тизимни буткул янгиланмаган бўлса-да айрим жиҳатларда давр учун хос хусусий ўзгаришлар қилган. Уларни бир-бирига яқинлиги жиҳатидан учга ажратиш мумкин:

- мамалакат чегаралари мудофааси, қўшин тўплаш тартиби;
- қўшин куруллари;
- қўшин тартиб-интизоми масаласи.

Жумладан, Шайбонийлар сулоласи¹ бошқарувининг сўнгги йилларида ўзаро урушлар натижасида мамалакатнинг шимоли қозоқлар, жануби эса Сафавийлар сулоласи² томонидан ишғол этилган эди. Ҳокимият тепасига келган Аштархонийлар олдида уларни қайтариб олиш, сўнгра мудофаасини таъминлаш вазифаси турар эди. Бунда сулоланинг илк вакили Боки Мухаммадхон³ чегара қалъаларини мустаҳкамлаш ва у ерга ҳарбий маҳорати баланд қабилаларни жойлаштириш йўлидан боради. Масалан, Боки Мухаммадхон Сафавийлардан бирин-кетин Балх⁴ ва унга тобе Андхуд, Шибиргон, Маймана, Фарғоб ва Мурғобни тортиб олади⁵. Шу тариқа, мамалакатнинг жанубий чегараси

Мурғоб воҳасигача етади. Балх ва Ҳирот вилоятлари орасида жойлашган Чичакту қалъасини мустаҳкамлаб чегара манзилига айлантиради. У ерга қипчоқ, аймоқ ва шу каби бир қанча ўзбек қабилаларини кўчириб олиб бориб жойлаштиради⁶. Мамлакатнинг жануби Ҳирот вилояти билан чегарадош бўлади ва Чичекту Сафавийларга қарши турадиган мамлакатнинг энг жанубий чегара қалъасига айланади⁷. Ёки, Имомкулихон⁸ буйруғи билан 1630 – 1640 йилларда Балх ва унга бўйсинувчи қолган вилоятларда чегаралар тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, қайта мустаҳкамланади⁹. Манбалардаги ушбу далиллар сулоланинг илк бошқаруви даврида Аштархонийзодалар чегаралар ҳавфсизлиги масаласининг муҳим эканлигини англаганлиги ва ўз эътиборларини қаратганликларини кўрсатади.

Сулола даврида қўшин тўплаш тартиботида ҳам кичик ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бунинг учун, аввало, сулола даврида, ҳарбий вазиятда қўшин тўплаш тартиботини тушуниб олиш керак. Унга кўра ҳарбий вазиятда қўшин тўплаш бошқарувда бўлгани каби Бухоро ва Балх орқали амалга оширилган. Яъни, Бухорога бевосита у орқали бошқариладиган вилоятлардан қўшин етиб келган бўлса, Амударё бўйи ва жанубидаги вилоятлар Балх орқали бошқарилгани¹⁰ сабабли қўшин йиғилишига ҳам Балх жавобгар бўлган. Балх орқа-

Балх ва Ҳирот вилоятлари орасида жойлашган Чичакту қалъасини мустаҳкамлаб чегара манзилига айлантиради. У ерга қипчоқ, аймоқ ва шу каби бир қанча ўзбек қабилаларини кўчириб олиб бориб жойлаштиради⁶. Мамлакатнинг жануби Ҳирот вилояти билан чегарадош бўлади ва Чичекту сафавийларга қарши турадиган мамлакатнинг энг жанубий чегара қалъасига айланади

Сулола даврида қўшин тўплаш тартиботида ҳам кичик ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бунинг учун, аввало, сулола даврида, ҳарбий вазиятда қўшин тўплаш тартиботини тушуниб олиш керак. Унга кўра ҳарбий вазиятда қўшин тўплаш бошқарувда бўлгани каби Бухоро ва Балх орқали амалга оширилган

1 Шайбонийлар — ўзбек давлатини 1501 – 1601 йиллари бошқарган сулола.
 2 Сафавийлар — 1502 – 1736 йиллари Эронда ҳукмронлик қилган сулола.
 3 Боки Мухаммадхон — 1601 – 1605 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.
 4 Мухаммед Юсуф мунши. Муқимханская история. Ташкент. 1956. С. 75.
 5 İsgönder Bey Münşi Türkman. Dünyanı bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixə-ələmarayə-Abbasi). Bakı. 2010. S. 1108.
 6 Dünyanı bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixə-ələmarayə-Abbasi). S. 1129.
 7 Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Ташкент. 1977. С. 37.
 8 Имомкулихон — 1611 – 1642 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.
 9 Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 38.
 10 Термиз, Бадахшон, Шибиргон, Маймана, Қўбодиён, Қундуз каби вилоятлар Балх орқали бошқарилган.

Абдулазизхон ҳам ҳукмронлигининг илк йилларидан бошлаб қўшинни замонавий қуроллар билан қуроллантиришга киришади. Буни амалга ошириш учун ҳар бир эллик таноб ерга эга бўлган мулкдор битта милтиқ сотиб олиб бериши кераклиги ҳақида фармон чиқаради

Шоҳ Мансур мирохур асирга олинар экан ҳукмдор ҳузурига қилич билан эмас, балки қўштиғли милтиқ билан бўйни ва қўлларида қисиб олиб борилганлиги²⁶ ҳам бундай қуроллардан ҳар қачонгидан-да кенгроқ фойдаланила бошланганлигини кўрсатади

ли бошқариладиган барча вилоятлар қўшини тўплангач эса Бухорога йўл олиши керак бўлган. Имомқулихон даврида шу тартиботда кичик ўзгариш содир бўлади. Унга кўра Хуталон вилояти Бухородан узоқлиги учун бошқаришда қийинчиликлар юзага келганлиги сабаб бошқарув Балх вилоятига берилади ва у орқали бошқарила бошланади¹¹. Оқибатда вилоят қўшини ҳам ҳарбий вазиятда Балхга ва у ердан Бухорога етиб келадиган бўлади. Бундай ўзгариш Убайдуллахон даврида ҳам содир бўлади. Чунончи Шайбонийлар¹² ва Убайдуллахон¹³ замонида Термиз шаҳри бошқаруви Балх орқали амалга оширилар эди. Аммо Убайдуллахон даврида Термиз вилояти бошқаруви Балхга эмас тўғридан-тўғри Бухорога бўйсунадиган бўлади. Бунга Балх ҳокими Муқумхон билан тахт таллашиб олиб борилган уруш сабаб бўлади¹⁴. Натижада Термиз қўшини ҳам тўғридан-тўғри Бухорога етиб келадиган бўлади.

Сулола вакиллари ўз даврининг замонавий порохли ўқотар қуроллари билан қўшинни қуроллантириш ҳарбий салоҳиятининг ошишига хизмат қилишини англаб етганлар. Шу сабабли ҳам Боқи Муҳаммадхон¹⁵ қўшинни замонавий қуроллар билан қуроллантиришга интилади. Жумладан, Усмонли султони Меҳмед III га¹⁶ юборган хатида ҳарбий қурол аслаҳадан ёрдам беришини сўрайди. Бунга жавобан Истанбулдан Бухорога икки юз дона тўфанг (милтиқ) ва уч дона тўп юборилади¹⁷.

Абдулазизхон¹⁸ ҳам ҳукмронлигининг илк йилларидан бошлаб қўшинни замонавий қуроллар билан қуроллантиришга киришади. Буни амалга ошириш учун ҳар бир эллик таноб ерга эга бўлган мулкдор битта милтиқ со-

тиб олиб бериши кераклиги ҳақида фармон чиқаради. Бироқ, йирик ер эгаларининг қаттиқ қаршилигига учрайди ва фармон бекор қилинади¹⁹.

Манбалардаги маълумотлар таҳлили Субҳонқулихон нафақат қўшинни ўз даврининг порохли ўқотар қуроллари билан таминлашга, балки улардан фойдаланиш малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратганлигини ва бу ўзининг ижобий самарасини берганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Баломурғоб жангида ҳар икки томон саф тортганида, олдинги Турон қўшини Эрон аскарларини милтиқдан ўққа тутди. Ўқлар зарбига чидай олмаган эронликлар қочишга мажбур бўлади²⁰. Эътиборлиси, «Дастур ал-мулк» асари муаллифи туронлик аскарлар жангда милтиқлардан бехато нишонларга отаётганлиги, бу эронликларни таажублантирганлигини алоҳида урғу билан қайд этади²¹. Ёки, Субҳонқулихоннинг 1695 йилда Хушҳолбий додхоҳ бошлиқ юборган қўшинидаги тўпчилар исёнчиларга қарши жангда ғалаба қозонишда асосий ўрин эгаллашади²². Қолаверса, Қалмоқларга қарши юборилган Аҳмадбий Ниёзқули бошчилигидаги²³ қўшиннинг муваффақиятга эришишида²⁴, Ҳушиқабий оталиқ бошлиқ қўшиннинг 1689 йил 24 октябрида Марвга қилган юриши ва Миробод қалъасини эгаллашида²⁵ ҳам порохли ўқотар қуроллар ва улардан фойдаланиш малакаси қўшиннинг устунлигини таъминлаганлиги табиий, албатта. Шунингдек, 1695 йилда исён кўтарган Шоҳ Мансур мирохур асирга олинар экан ҳукмдор ҳузурига қилич билан эмас, балки қўштиғли милтиқ билан бўйни ва қўлларида қисиб олиб борилганлиги²⁶ ҳам бундай қуроллар-

11 Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 38; Тарихи салотини Усмоний. 356-бет.

12 Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Биринчи жилд. Тошкент. 1999. 228-бет.

13 Убайдуллахон — 1702 – 1711 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

14 Муҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. ШИ АҚФ. Қўлёзма рақами 1532. 55а-бет.

15 Боқи Муҳаммадхон — 1601 – 1605-йиллари Ўзбек давлатчилигини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

16 Меҳмед III — 1595 – 1603-йиллари ҳукмронлик қилган Усмонли султони.

17 А.Д. Васильев. «Знамя и меч от падишаха» Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). Москва. 2014. С. 89.

18 Абдулазизхон — 1645 – 1681 йиллари Ўзбек давлатчилигини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

19 Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Тошкент. 2016. 204-бет.

20 Хўжа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк. Тошкент. 2001. 210-бет.

21 Ўша ерда.

22 Ўша асар. 228-бет.

23 Мактубот, муншоот ва маншурот. АҚФ. Қўлёзма рақами 289. Субҳонқулихоннинг Усмонли султони Аҳмадга хати. 426 – 43а-бетлар

24 Ўша ерда.

25 Муҳаммад Амин Бухорий. Мухит ат-таворих. Тошкент. 2020.103-бет.

26 Дастур ул-мулк. 230-бет.

дан ҳар қачонгидан-да кенгроқ фойдаланила бошланганлигини кўрсатади.

Аштархонийлар сулоласи вакиллари қўшин тартиб-интизомига ҳам ўз эътиборларини қаратган. Жумладан, Субҳонқулихон ҳарбий аскарлар орасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун фармон чиқаради. Унда ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳарбийлар йўл давомида деҳқонларнинг зироати ва мол-мулкига тегинмаслиги керак эканлиги, агар тегинса қаттиқ жазога тортилиши таъкидланади²⁷. Хожа Самандар Термизий бу фармон ижроси жуда қаттиқ бўлгани учун қўшин деҳқонлар зироати ва ризқ-рўзи олдидан ўтаётганларида тўхтамай экинларни пайхон қилмай тинч-осойишталик билан ўтиб кетганлигини ёзади²⁸. Бундай қўшин тартиб-интизоми бўйича қабул қилинган фармон, юқорида қайд этилган Субҳонқулихон давридаги муваффақиятларнинг асосий сабабларидан бир ҳам бўлган.

Ўзбек давлатчилигида мавжуд бўлган барча сулолалар сингари Аштархонийлар даврида ҳам ҳарбий бошқарув мавжуд бўлган. Сулола вакилларининг олиб борган сиёсатлари сабабли айрим хусусий ўзгаришлар ҳам содир бўлган. Ҳарбий бошқарув тепасида хон турган. У қўшиннинг Олий бош қўмондони ҳисобланган. Ҳарбий соҳага доир мансаб ва унвонларни тайинлаш ёки озод этиш хон томонидан амалга оширилган.

Хондан кейинги ўринда маслаҳат идораси бўлмиш кенгаш турган. Кенгашда мамлакат ҳаётига доир барча масалалар, шу жумладан, ҳарбий юришлар ҳам муҳокама қилинган. Жумладан, Абдулазизхон бир сафар Балхга бостириб кирган Бобурийлар сулоласи қўшинларига қарши кенгаш уюштириб юриш масаласини муҳокама қилган²⁹, бошқа сафар мамлакат ҳудудига бостириб кирган Анушахонга қарши курашиш масаласида кенгаш чақирган бўлса³⁰, Субҳонқулихон Балх ҳокими Сиддиқ Муҳаммад исёнини бостириш учун кенгаш ўтказди³¹. Мамлакат ҳаётининг турли соҳалари масаласида ўтказилган кенгашлардан ҳарбий вазиятда ўтказилган кен-

гашларнинг фарқи фақатгина кўриладиган масаласидагина бўлиб қолмай, иштирокчилар миқдорида ҳам сезилган. Хусусан, ҳарбий вазиятдаги кенгашларда вилоят ҳокимлари ҳам иштирок этиши ҳисобиға аъзолар миқдори ортган.

Аштархонийлар ҳарбий бошқарув тизимидаги мансаб ва унвонларни вазифаларига қараб икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси маъмурий-ҳарбий мансаблар; иккинчиси ҳарбий мансаблар.

Саройнинг маъмурий амалдорлари уруш пайтида асосий вазифаларидан ташқари ҳарбий соҳа бошқарувига киришганлигига кўра уларнинг мансаб фаолиятини маъмурий-ҳарбий деб аташ мумкин. Уларга оталик, девонбеги калан, парвоначи, додхоҳ, кўкалтош, эшикоғабоши, баковули калон, мирохури калон, шуговул ва бошқалар кирган.

Сулола даврида қўшиннинг асосий қисми оталик мансабига юклатилган. Манбаларда бу ҳақида кўплаб мисолларга дуч келиш мумкин. Масалан, Абдурахмон Толе Абулфайзхон қўшиннинг марказий қисмини Ҳакимбий оталик бошқарганлигини қайд этади³².

Марказий бошқарувдаги девонбеги калон ҳам ҳарбий юришларда иштирок этган, қўшинга қўмондонлик ҳам қилган. Имомқулихон 1616 йилда Хуросонни эгаллаш учун юборилган ўттиз минг кишилик қўшинга Нодир девонбегини бош этиб тайинлаганлигини Искандарбек мунший ўз асарида қайд этса³³, Муҳаммад Амин Бухорий Субҳонқулихон даврида Анушахонга қарши тузилган қўшинда Искандар девонбеги сарой, Хўжа Қулибий девонбегилар махсус бўлинмаларни бошқариб, фаол иштирок этганлигини ёзади³⁴. Эътиборлиси, манбалардаги маълумотлар таҳлили кўп ўринларда қўшиннинг чап қаноти девонбеги мансабига ишониб топширилганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Убайдуллахон даврида жанглarda қўшиннинг чап қанотини Ўз Темур девонбеги³⁵, Абулфайзхон даврида Қутлуқ девонбеги бошқарганлигига³⁶ гувоҳ бўлиш мумкин. Умуман, барча манбалардаги маълумотлар девонбеги мансабидаги шахс-

Ўзбек давлатчилигида мавжуд бўлган барча сулолалар сингари аштархонийлар даврида ҳам ҳарбий бошқарув мавжуд бўлган. Сулола вакилларининг олиб борган сиёсатлари сабабли айрим хусусий ўзгаришлар ҳам содир бўлган. Ҳарбий бошқарув тепасида хон турган

Убайдуллахон даврида жанглarda қўшиннинг чап қанотини Ўз Темур девонбеги³⁵, Абулфайзхон даврида Қутлуқ девонбеги бошқарганлигига³⁶ гувоҳ бўлиш мумкин. Умуман, барча манбалардаги маълумотлар девонбеги мансабидаги шахснинг барча даврларда жанглarda фаоллик кўрсатганлигини кўриш мумкин

27 Ўша асар. 197-бет.

28 Ўша асар. 198-бет.

29 Қожамқулибек Балхи. Тарих-и Қыпшақи. Алматы. 2017. 645-бет.

30 Дастур ул-мулук. 147-бет.

31 Мухит ат-таворих. 80-бет.

32 Абдурахмон Толе. Тарихи Абулфайзхон. АҚФ. Қўлёзма рақами 11.1486-бет.

33 Dūnyani bəzəuən Abbasin tarixi. S. 1651.

34 Мухит ат-таворих. 58-бет.

35 Убайдуллонома. 118а-бет.

36 Тарихи Абулфайзхон. 1486-бет.

нинг барча даврларда жанглarda фаоллик кўрсатганлигини кўриш мумкин³⁷.

Қўшиннинг ўнг ва чап қанотлари ҳамда марказий қисми ҳам Шайбонийлар давридан фарқли тарзда шахзодаларга эмас кўп ўринларда марказий бошқарувдаги оталик, девонбеги калон, парвоначи, додхоҳ ва бошқа амирларга берилган. Масалан, Парвоначи ҳам бошқа мансаблар сингари, ҳарбий ҳаракат вақтида қўшинга бошчилик қилиш, айрим вақтларда яқка тартибдаги мудофаага раҳбарлик қилган³⁸. «Дастур ул-мулк»даги ахборотларга қараганда кўп ўринларда уларга қўшиннинг чап қанотини бошқариш ишониб топширилган бўлса³⁹, додхоҳ ҳам ҳарбий вазиятларда қўшиннинг айрим бўлинмаларига бошчилик қилиш⁴⁰ ва кўп ўринларда қўшиннинг ўнг томонини назорат қилиш берилган⁴¹. Эшикоғабоши эса урушда асосан қўшиннинг авангард қисмига бошчилик қилган⁴².

Иккинчи – ҳарбий мансабларни ҳам вазифаларининг бир-бирига яқинлигига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

қўшин бошқарувига масъул мансаблар;

қўшинга доир ҳуқуқий масалаларга масъул мансаблар;

қўшин моддий таъминотига масъул мансаблар;

махсус бўлинмалар;

Қўшин бошқарувига масъул мансабларга ҳарбий вазиятларда қўшин аскарларининг сафланишига масъул – удайчи, қурол ас-

лоҳага жавобгар – жевачи, аскарлар тўпланишига жавобгар – тавочи, сонли қисмларга жавобгар – мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, бўлинмалар бошлиқлари кирган.

Қўшинга доир ҳуқуқий масалаларга масъул мансабларга қози аскар, муфтий аскар, ўроқи калон кирган. Қози аскарнинг асосий вазифаси Шайбонийлар сулоласи давридагидек⁴³ ҳарбий хизматчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, керакли суд қарорини чиқариш бўлган⁴⁴. Қози аскарга Бухоро ва унга қарашли барча мулк ва музофотлардан ташқари Кеш, Насаф ва Хузор вилоятлари ҳам бўйсунган⁴⁵. Қози аскар қози калонга бўйсунган⁴⁶. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳудудий қозиларнинг иш фаолияти тўхтатилиб, барча масалалар, шу жумладан, фуқаролик масалалари ҳам ушбу қози аскарга юклатилган⁴⁷. Сулола даврида одатда қози мансабига эришмоқчи бўлган номзод нафақат мадрасада ақлий ва шаръий илмларни яхши эгаллаган⁴⁸, балки ўша даврдаги энг таниқли бир қозига шогирдликка тушиб амалий тажрибага ҳам эга бўлган бўлиши керак бўлган. Қози аскарликка тайинландиган номзод ҳам бундай амалиётдан йироқ бўлмаган. Масалан, Абдулло исмли тафсир, илоҳиётдан жуда зўр хабардор бўлган шахснинг машҳур Балх қозиси Абу Насрга шогирд тушиб, бир қанча йиллар амалиёт ўтаб келгач, мамлакат қози аскарлигига тайинланганлиги ҳақида маълумот мавжуд⁴⁹.

Муфтийлар ичида ҳам муфтий аскар мансаби мавжуд бўлган бўлиб⁵⁰, унинг асосий вазифаси – ҳукмдорнинг ҳарбий юришлари ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қилган сафарлари вақтида ҳарбий воқеалар юзасидан ҳуқуқий асос қабул қилиш бўлган⁵¹. Ҳарбий ҳаракатлар амалга ошириладиган вақтда муфтий аскар ҳам қози аскар билан бирга ҳаракат қилган

37 Дастур ул-мулк. 147-бет.

38 Дастур ул-мулк. 169-бет; Убайдуллонома. 1186-бет; Б. Ахмедов. История Балха. Ташкент. 1982. С. 156.

39 Дастур ул-мулк. 153-бет.

40 Мухит ат-таворих. 63-бет; Дастур ал-мулк. 195-бет; Buhara hanligi'nin askeri teşkilati (1500 – 1868). s. 152.

41 Тарихи Абулфайзхон. 1486-бет.

42 А. Алексеев. Политическая история Тукай-тимуридов по материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. Санкт-Петербург. 2006. С. 151; Истрия Балха. С. 160.

43 Зайниддин Муҳаммад Восифий. Бадое ул-вақое. Тошкент. 1979. 8-бет.

44 Мирзо Бадеи девон. Мачмаъ-ул-арқом. Душанбе. 2015. Баргаи. 152; Семенов А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское Востоковедение. Том 5. 1948. С. 140; Buhara hanligi'nin askeri teşkilati (1500 – 1868). S. 144.

45 Мактубот, муншоат ва маншурот. Лутфуллоҳни Бухоро вилояти ҳарбий қозилигига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 103а – 104а-бетлар.

46 Мачмаъ-ул-арқом. Баргаи. 152.

47 Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. С. 140; Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. С. 89; История Балха. С.152; Политическая история Тукай-тимуридов по материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. С. 146; Бухоро таълим тизими тарихи. 71-бет.

48 Мактубот, муншоат ва маншурот. Лутфуллоҳни Бухоро вилояти ҳарбий қозилигига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 103а – 104а-бетлар; Хўжа Шохни Бухоро вилояти ҳарбий қозилигига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 104а – 105а-бетлар; Мир Иброҳим садри Бухоро вилояти ҳарбий қозилигига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 105а – 106б-бетлар.

49 Убайдуллонома. 269б-бет.

Муфтийлар ичида ҳам муфтий аскар мансаби мавжуд бўлган бўлиб⁵⁰, унинг асосий вазифаси – ҳукмдорнинг ҳарбий юришлари ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қилган сафарлари вақтида ҳарбий воқеалар юзасидан ҳуқуқий асос қабул қилиш бўлган⁵¹. Ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилаётган вақтда муфтий аскар ҳам қози аскар билан бирга ҳаракат қилган⁵².

Марказий бошқарувда асосий вазифаси ҳарбий кўшин муҳтасиблиги бўлган ўроқи калон мансаби ҳам мавжуд бўлган⁵³.

Кўшин моддий таъминотига масъул мансабларга девонда фаолият юритувчи мушриф, дафтардор, тўшахона меҳтари каби мансаблар кирган. девонхонадаги мушриф мансаби хоннинг барча мансаблар хусусан, ҳарбийларга берадиган инъом, ҳадялар, эҳсон ва илтифотларини махсус «инъом дафтари (دفتر انعام)»га ёзиб борган бўлиб, унинг ижросини назорат қилган⁵⁴. Дафтардор ҳам барча билан бир қаторда ҳарбийлардан бўлганларга берилган танҳо ва суюрғоллар масаласи билан шуғулланган⁵⁵. Тўшахона меҳтари кўшин ва аскарларни зарур бўлган кийим-кечаклар билан таъминлаш, маошларини хазинадан бериш вазифасини бажарган⁵⁶. Ушбу мансаблар девони калонга, у эса девонбеги калонга бўйсунган.

Кўшинда чухралар, тўпчилар, тўфангчилар, сувчилар, ғажарчилар, нақбчилар, шо-

тичилар, шотирчилар, юртчилар, туғчилар, мусиқачилар, махфий хизмат каби махсус бўлинмалар ҳам мавжуд бўлган. Ҳар бир бўлинманинг ўз вазифаси мавжуд бўлган. Масалан, тўпчилар тўплардан фойдаланишга масъул бўлган. 1695 йилда Субҳонқулихон ўзига қарши кўтарилган исённи бостириш учун Хушхобий додхоҳ бошлиқ кўшин юборди. Жангда тўпчилар алоҳида жасорат кўрсатишди⁵⁷. Тўпчилар бўлинмасига тўпчибоши калон етакчилик қилган⁵⁸. Тўфангчилар бўлинмасини эса сарбоз тўфангчибоши назорат қилган⁵⁹.

Вилоят ва туман ҳокимлари ўша вилоятдан олдиндан белгиланган миқдордаги кўшинни тўплаш, етарли миқдордаги қурол-аслаҳа ва озуқа билан етиб келиши керак бўлган⁶⁰.

Сулола даврида ҳам бир неча ҳарбий унвонлар мавжуд бўлган. Улардан энг йириги «илғорбошийи аскар» ёки «сардори сипоҳ» унвони бўлган. Ушбу унвон эгаси бутун кўшинга сардорлик қилган. Жумладан, Абулфайзхон даврида оталиқ мансабидаги Фарҳодбийга кўшин қўмондони «илғорбошийи аскар, ёки сардори сипоҳ» энг йирик ҳарбий унвон берилган⁶¹.

Кўшинда яна «баҳодир» унвони ҳам мавжуд бўлган. Унвон жанглarda жасорат кўрсатган аскарларга берилган. Масалан, Субҳонқулихон Аллабердибий мингга жанглarda кўрсатган жасорати учун «баҳодир» ▶

Кўшин моддий таъминотига масъул мансабларга девонда фаолият юритувчи мушриф, дафтардор, тўшахона меҳтари каби мансаблар кирган. девонхонадаги мушриф мансаби хоннинг барча мансаблар хусусан, ҳарбийларга берадиган инъом, ҳадялар, эҳсон ва илтифотларини махсус «инъом дафтари (دفتر انعام)»га ёзиб борган

50 Мактубот, муншоат ва маншурот. Мулло Мир Мўмин муфтийни Бухоро вилояти ҳарбий муфтийликка тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 113а – 113б-бетлар; Хожа Мир Абдуллоҳни Бухоро вилояти ҳарбий муфтийликка тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 114а – 114б-бетлар.

51 Мактубот, муншоат ва маншурот. Мулло Мир Мўмин муфтийни Бухоро вилояти ҳарбий муфтийликка тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 113а – 113б-бетлар; Хожа Мир Абдуллоҳни Бухоро вилояти ҳарбий муфтийликка тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 114а – 114б-бетлар; Мачмаъ-ул-арқом. Баргаи. 152; Бухарский трактато чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. С. 140; Buhara hanlig'i'nin askeri teskilati (1500 – 1868). S. 144.

52 Бухарский трактато чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. С. 140.

53 Мачмаъ-ул-арқом. Баргаи. 153.

54 Мактубот, муншоат ва маншурот. Муло Шоди девонни Бухоро вилояти мушрифлиги мансабига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 165б – 166а-бетлар.

55 Мактубот, муншоат ва маншурот. Мирзо Улуғ девонни дафтардор мансабига тайинлаш ҳақида ёзилган нишон. 167б – 168а-бетлар.

56 Мактубот, муншоат ва маншурот. Муҳтари тўшахона мансабига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. 176б – 177а-бетлар; Мачмаъ-ул-арқом. Баргаи. 156.

57 Дастур ул-мулк. 228-бет.

58 Мачмаъ-ул-арқом. Баргаи. 160.

59 Бухарский трактат о чинах и званиях об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре С. 149; Политическая история Тукай-Тимуридов. С. 154.

60 Мактубот, муншоат ва маншурот. Қарчигайбий қалмоқни Чоржўй вилояти ҳокимлигига тайинлаш ҳақидаги маншур. 135б – 137а-бетлар; Хожи араб бақовулни Каиф вилояти ҳокимлигига тайинлаш ҳақидаги маншур. 137а – 138а-бетлар.

61 Мактубот, муншоат ва маншурот. Фарҳодбий Баҳодир оталиқни Турон кўшини сардорлигига тайинлаш ҳақида ёзилган маншур. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ кўлғемалари фонди. Кўлғемалар рақамлари 289. 130а – 131а-бетлар.

Сулола даврида ҳам бир неча ҳарбий унвонлар мавжуд бўлган. Улардан энг йириги «илғорбошийи аскар» ёки «сардори сипоҳ» унвони бўлган. Ушбу унвон эгаси бутун кўшинга сардорлик қилган

унвонини бериш ҳақида махсус фармон чиқаради⁶².

Аштархонийлар сулоласи даврида ҳарбий вазиятларда умумий тўпланадиган қўшин 60 минг кишини ташкил этган⁶³. Ҳукмдор махсус фармон чиқаргач, барча вилоятдан аскарлар йиғилган. Хусусан, Хожа Самандар Термизий ҳукмдор аскарликка йиғиш ҳақида махсус фармон чиқаргач, барча вилоят ва туманлардан аскарлар тўпланганлигини ёзади⁶⁴. Бу сон ҳар бир вилоятдан белгиланган миқдорда йиғилган. Масалан, турли манбалардаги турли давр маълумотларини таҳлил этиш Самарқанд вилояти доимий 6 минг кишилиқ қўшин билан етиб келиши керак бўлган⁶⁵. Вилоят ҳокимлар белгиланган чақириққа жавобан белгиланган миқдордаги қўшин билан биргаликда уларга етарли миқдорда қурол-яроғ, аслаҳалар ҳам олиб келиши керак бўлган. Масалан, Абдулазизхон даврида Самарқанд вилояти ҳокими Абдукаримбой найман 6 минг кишилиқ қўшин ва уларга етарли миқдорда қурол-яроғ билан келиб қўшилади⁶⁶. Ҳар бир вилоятнинг ўзида тўп, тўфанглар мавжуд бўлган. Масалан, Субҳонқулихон ўғли Сиддиқ Муҳаммадхон исёнини бостириш учун Балх қалъасини қамал қилганида қалъа ғимоячилари тўп ва тўфанглардан тинимсиз ўқ отишгани ва Субҳонқулихон жанг қилмай ўғлига салом хатини юборгани қайд этилади⁶⁷. Қўшинда ҳарбий асирлар, қуллар ва бошқа тоифа вакиллари мавжуд бўлган. Қўшинда турклардан ташқари араблар, форслар, туркманлар ва тожиклар, қозок, қорақалпоқлар мавжуд бўлган⁶⁸.

Ҳарбий қўшин таркибига кўра отлиқ ва пиёда аскарлардан иборат бўлган⁶⁹. Қўшиннинг асосини ўнг қанот (баронғор) ва чап қанот (жавонғор) ҳамда орқа қисм бў-

линмаларидан иборат марказий қисм (қалб) ташкил этган. Қўшин ҳарбий юриш бошлаган вақтда унинг олдида илғор деб аталувчи қисм борган. Унинг вазифаси йўлнинг хавфсизлигини, пистирма қўйилган-қўйилмаганлигини аниқлаш бўлган. Илғордан сўнг манглай (авангард) борган. Унга марказий қисмни душманнинг беҳосдан қилинадиган ҳужумидан сақлаш юклатилган. Қўшиннинг қоровул қисми умумий қўшинни қўриқлаб борган. Катта ва кичик ғуллар эса махсус қисм бўлиб, ҳукмдор ва саркардаларни ғимоя қилган⁷⁰.

Қўшин аскарларининг ёши чекланмаган. Унинг таркибида ёшлардан тортиб кексаларгача иштирок этишган. Кексаларнинг тажрибаларидан унумли фойдаланилган. Жумладан, Хожа Самандар Термизий Анушахонга қарши қилинган юриш тафсилотида шундай ёзади: «тажрибали, обдан ўйлаб иш қиладиган қариялардан посбонлар қўйилди, хушёр, сергак, чавандоз йигитлардан айғоқчилар тайинланди»⁷¹.

Қўшин фойдаланган қурол-яроғ ва аслаҳаларни қўллаш мақсадига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Тигли қуроллар: найза, болта, қилич, чўқмор, ханжар⁷².

2. Ўқотар қуроллар: ўқ-ёй⁷³, тўфанг, замбарак, нафтандоз, манжанақлар (палаҳмон)⁷⁴.

3. Жангчиларнинг танасини ғимоя қилувчи аслаҳалар: қалқон, қалқон⁷⁵, совут, дубулға⁷⁶, жавшанлар, кўкрактўш, елкатўш, тирсакбанд, баргуствон⁷⁷.

4. Ёрдамчи аслаҳалар: нарвон, сол, кетмон, арра ва бошқалар.

Аштархонийлар сулоласи даврида қўшинда замонавий порохли ўқотар қуроллар ғи-

Аштархонийлар сулоласи даврида ҳарбий вазиятларда умумий тўпланадиган қўшин 60 минг кишини ташкил этган⁶³. Ҳукмдор махсус фармон чиқаргач барча вилоятдан аскарлар йиғилган. Хусусан, Хожа Самандар Термизий ҳукмдор аскарликка йиғиш ҳақида махсус фармон чиқаргач барча вилоят ва туманлардан аскарлар тўпланганлигини ёзади

Қўшин ҳарбий юриш бошлаган вақтда унинг олдида илғор деб аталувчи қисм борган. Унинг вазифаси йўлнинг хавфсизлигини, пистирма қўйилган-қўйилмаганлигини аниқлаш бўлган. Илғордан сўнг манглай (авангард) борган

62 Дастур ул-мулук. 186-бет.

63 Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. АҚФ. Қўлёзма рақами 1110. 193а-бет.

64 Дастур ул-мулук. 230-бет.

65 Муҳаммадвафои Карманаги. Тухфат-ул-хони. Хучанд. 2017. Баргаи 44; Дастур ул-мулук. 155-бет.

66 Дастур ул-мулук. 155-бет.

67 Ўша асар. 195-бет.

68 Ўша асар. 155-бет.

69 Ўша асар. 152-бет.

70 Buḥara hanlıǵı'nın askeri teşkilatı (1500 – 1868). S. 372.

71 Дастур ул-мулук. 148-бет.

72 Мухит ат-тавориҳ. 68-бет; Дастур ул-мулук. 152-бет.

73 Мухит ат-тавориҳ. 63-бет.

74 Имомқулихоннома. АҚФ.. Қўлёзма рақами 89. 80б-бет; Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Тошкент. 2016. 204-бет; Шажараи турк. 192б-бет; Дастур ул-мулук. 147-бет; Мухит ут-тавориҳ. 58-бет.

75 Мухит ат-тавориҳ. 63-бет.

76 Дастур ул-мулук. 152-бет.

77 Ўша асар. 152-бет.

собланмиш кичик туя устига ортиладиган тўп ва қўш тигли милтиқлардан [илова 1] кенг фойдаланилган. Масалан, 1695 йилда Субҳонқулихонга қарши исён кўтарган Шох Мансур мирохур қўштиғли милтиқ билан хон олдига олиб келинганлиги таъкидланади⁷⁸.

Ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшин яшил рангдаги, шер, ой ва юлдуз тасвири, янги ой шаклига эга туғи мавжуд бўлган давлат байроғи остида жангга кирган [илова 2]. Шунингдек, ҳар бир ҳарбий қисмларнинг ҳам ҳар хил рангдаги байроқлари мавжуд бўлган. Масалан, қалмоқлардан иборат бўлинма жангга қизил рангдаги байроқ билан кирган.

Қўшиндаги аскарларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, қўшин таркибида аскарлар саломатлиги учун масъул махсус табиблар мавжуд бўлган. Уларда зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Масалан, Бешкент жангида Қаландарбек биқинидан ёй ўқи тегиб жароҳат олади. Уни табиб даволашга ҳаракат қилади. Унинг биқинидан ўқни суғуриб олади. Лекин, ички қон кетишини тўхта олмайди. Оқибатда у ўлади⁷⁹. Аскар ҳалок бўлган бўлса-да, бу жараён қўшинда табиблар мавжуд эканлигини, шунингдек, улар инсон танасининг ички аъзоларида ҳам даволаш ишларини олиб боришга қодир бўлганлигини кўрсатади. Аскарлар маданий ҳордиқ чиқариш учун турли ўйинлар ўтказилиб турилган. Масалан, манбаларда чавгон ўйини кўп тилга олинади⁸⁰. Ҳарбий вазиятларда аскар оилалари солиқлардан озод этилган. Ҳарбий сафар вақтида аскарларнинг ўзи билан олган нарсаларига зарар етса, масалан, ҳаҷири, оти, туяси ўлса унинг учун тову пули тўлаб берилган. Жангда ҳалок бўлган аскарларнинг оиласига муайян тарзда ёрдам кўрсатилган. Масалан, дафн маросими ўтказиш учун оиласига маблағ берилган. Аскарнинг асбоб ва анжомлари оиласига қайтарилган.

Сулола даврида қалъалар мудофаасига ҳам алоҳида эътибор берилган. Шайбонийлар даври билан қиёслаганда мудофаа иншоотларининг тузилишида ўзгаришлар кўзга ташланмаса-да, мудофаа қуролларида фарқлар кузатилади. Яъни, порохли ўқотар

қуроллар, тўп ва тўфанлардан ҳар қачонгиданда кўпроқ фойдаланила бошлангиллигини кузатиш мумкин⁸¹. Шунингдек, айрим сулола вакиллари урушлар натижасида вайронага айланган қалъа деворларини қайтадан қурдиради, таъмирлатади. Масалан, Боқи Муҳаммадхон 1604 йилда вайрона ҳолга келиб қолган Самарқанд қалъаси аркини қайтадан қурдиртиради⁸². Надр Муҳаммад ҳам харобага айланиб қолган Ҳиндувон номи билан маълум Балх шаҳрининг ички арк деворларини қайтадан қурдиради, Тохаристон вилоятининг Шаҳри Равон номли тумани, Боғиаварс, Боғихабаш, Кишм каби вайрон бўлиб, қишлоққа айланиб қолган шаҳарларига аҳоли қўчириб бориб жойлаштиради, вайронага айланган қалъа деворларини таъмирлатади⁸³.

Хуллас, Аштархонийлар сулоласи вакиллари, жумладан, Боқи Муҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихонлар мудофаа, қўшинни порохли ўқотар қуроллар билан қуроллантириш, улардан фойдаланишни такомиллаштиришга интиланлар ва бир қанча ютуқларга эришганлар. Аксинча, Убайдуллахон, Абулфайзхонлар бошқаруви давридаги сўнгги қирқ йиллик даврда бу соҳага эътибор қаратилмаган. Бу бутун сулола даврида қўшин қуролланиши қолоқ бўлган деган фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатган ҳолда, сулоланинг айрим вакиллари эътибори билан қўшин ўз даврининг замонавий қуроллари билан таъминлангани, бошқа вакиллари даврида аксинча, соҳада ортга кетиш бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, Аштархонийлар сулоласи даврида ҳам олдинги сулолалар сингари қўшин ҳар бир вилоятдан йиғилиши, қўшин қурол-аслаҳаси, моддий таъминоти ўша вилоятга юклатилгани, марказ учун хавфли қўшин тўплаш амалиётидан фойдаланиш (Бухородан ташқари Балхда қўшин тўплаш тизими), булар учун вилоятларга имтиёзлар берилиши (моддий, ҳарбий мансаблар сақлаш ва бошқалар), қўшин борасида вилоятларга қарамлик юзага келтирган ва тез-тез исёнларни келтириб чиқарилишига сабаб бўлган, сулола инқирозига олиб келган. ■

78 Дастур ул-мулк. 230-бет.

79 Дастур ул-мулк. 204-бет.

80 Ўша асар. 152, 185, 200, 215-бетлар.

81 Ўша асар. 195-бет.

82 Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Тошкент. 2013. 246-бет.

83 Море тайн относительно доблестей благородных (География). С. 38.